

Хотира ва Қадр — бор икки қалом, Демак, завол топмас қурраи олам!

ERURSEN SHOH, AGAR OGHONSEN SEN, AGAR OGHONSEN SEN, SHONSEN SEN



Хабар

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ НАШРИ

www.khabar.cc.uz

khabar@uzpak.uz

orif@infonet.uz

1992-йил мартдан чиқа бoshлаган

2005-йил, 6-май, 18 (659)-сон

Сотувда нархи эркин

ҲАФТАЛИК ХАБАРЛАР

♦ Матбуотда "Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида" ва "Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг номини ўзгартириш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари эълон қилинди.

♦ "Ўзэкспомарказ" да умумтаълим мактаблари мебел, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва спорт анжомлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда 47 корхона ўз жиҳоз ва ускуналари билан қатнашди. 29 апрел кuni Президент Ислам Каримов ана шу кўргазмага таширф буюрди.

♦ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси бугун Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

♦ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология, Қонунчилик ва суд-ҳўқуқ масалалари, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари ҳамда Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмиталарининг мажлислари бўлиб ўтди.

♦ Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг 9-жилди нашрдан чиқди.

У "Тўйчи Ҳофиз" мақоласи билан бошланиб, "Шаршара" мақоласи билан тугайди. Китоб 3026 мақолани ўз ичига олган. Китобда 700дан зиёд биографик мақола, 800дан зиёд безак материал, шу жумладан, хатиралар, расмлар, суратлар берилади.

♦ Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар агентлигида Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Австрия қўшма комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда икки мамлакатнинг қатор вазирликлари ва савдо-саноат доиралари вакиллари иштирок этди.



Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ олган суратлар.

● НАУ'АТ YIG'ILISHIDA

Асосий йўналишлар ҳисоботи

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Уни Агентлик Бош директори А.АРИПОВ олиб борди. Йиғилишда "2005 йилнинг биринчи чорагида алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси корхоналарини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида" Агентлик Бош директорининг биринчи ўринбосари А.Избосаров маъруза қилди.

Маърузада таъкидланишича, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари 6,8 фоизга, ёзма хат-хабарлар ҳажми 10, жўнатмалар 1,6, пул ўтказмалари 4,5 фоизга ўсди. Асосий телефонлар сони 2005 йилнинг 1 апрелида 1702,7 минг донани ташкил этди ёки 7,8 мингтага ошди. Уяли алоқа абонентлари 635 мингтага етди.

Ҳисобот даври давомида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги корхоналар томонидан 83,1 млрд. сўмлик, жумладан, алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимидаги корхоналар томонидан 46,3 млрд. сўмлик, нодавлат корхоналар томонидан эса 41,5 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагини иккита корхона умумий ҳисоблаганда 145,5 млн. сўм зарар билан якунлади. "Ўзбектелеком" АКнинг Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида видеоконференцалоқа тармоғини қуриш лойиҳа-

си тугатилди ва тажриба сифатида эксплуатацияга топширилди. ТАТУ негизда телекоммуникациялар қурилмаларини монтаж қилиш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича мутахассисларни тайёрлаш Ўқув марказини ташкил этиш юзасидан Агентлик ва Huawei компанияси ўртасида меморандум имзоланди.

Агентлик тизимидаги корхона ва компанияларда ишлаётган ходимлар сони 38,2 минг нафар бўлиб, уларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 75800 сўмни ташкил этади. Иш ҳақи бўйича мўддати ўтган қарздорлик йўқ. Агентлик корхоналарининг маошларини ўз вақтида тўловлари бўйича мониторинг олиб борилади.

Ўтказилган таҳлил натижалари бўйича республика давлат бошқарув органларининг 96,7 фоизи ўз веб-саҳифаларига эга. Давлат органлари бошқарув марказий аппаратларининг 85,7 фоизда локал (маҳаллий) компютер тармоқлари мавжуд.

"ЎзПАК" корхонасидан ташқари яна 11 оператор халқаро ахборот тармоғидан фойдаланади. Ундан фойдаланишнинг умумий тезлиги — 72,2 Мбит/с. Бу ўтган йилнинг шу дав-

рига нисбатан 2,2 баравар юқори кўрсаткидир. Интернетдан фойдаланувчилар сони 1,4 баробар ўсиб, 715,27 мингтани ташкил этди.

Ҳисобот даврида алоқа соҳаси бўйича биринчи чорада жами 4202та мурожаат келиб тушди. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши томонидан тасдиқланган режа-жадваллар бўйича Агентлик тизимида қирмаган, лицензия асосида фаолият кўрсатаётган 26та корхонада текшириш ўтказилди. Натичада Давлат алоқа инспекцияси ва унинг таркибий бўлинмалари томонидан ҳисобот даврида 63 мансабдор шахсга нисбатан жами 1508,3 минг сўм миқдорда маъмурий жавобгарлик қўлланган.

Сиҳат-саломатлик йили Давлат дастурини бажариш юзасидан алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги компаниялар, корхоналар ва ташкилотлар томонидан тадбирлар режасининг бажарилишини таъминлаш бўйича барча ташкилий ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳайъат мажлисида бугунги кунда долзарб бўлиб турган муаммолар, қилиниши зарур бўлган масалалар хусусида ҳам сўз юритилди.

Йиғилишда Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи Ш.Обиджўраев, "Ўзбектелеком" АК бош директори Ҳ.Муҳитдинов, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директори Р.Қосимовлар сўзга чиқиб, ўз корхоналарида амалга оширилган ишлар, қилинажак юмушлар ҳақида гапирди.

Ҳайъатда қўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Иzzат АҲМЕДОВ

uzpak

Бизнинг Интернет ҳамкоримиз




O'ZBEKTELEKOM

 Акциядорлик компанияси
 жамоаси

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

*муносабати билан
барчангизга меҳр-
оқибат, халқимиз
фаровонлиги йўлида
амалга ошираётган
ишларингизда
муваффақиятлар ёр
бўлишини тилаб қолади.*

**Ўтганлар хотираси доимо
қалбимизда бўлсин, бир-
биримиздан меҳр-
муруватни аямайлик!**


"ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ"
 ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Хотира ва Қадрлаш куни

*муносабати билан Ўзбекистон халқига ва алоқа
соҳасида меҳнат қилаётган ҳар бир ходимга
сўхат-саломатлик тилайди.*

Асрлар давомида
шакланган
қадриятларимизни
кўз қорачиғидай
асраб-авайлаб,
уларни келгуси
авлодларга
етказиш бизнинг
муқаддас
бурчимиздир.

**Мустақил юртимизнинг
осмони ҳамиша
мусаффо бўлсин!**

ДАВЛАТ АЛОҚА ИНСПЕКЦИЯСИ

ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқига
Хотира ва Қадрлаш куни

муносабати билан
 тинчлик-омонлик тилайди.

*Халқимиз азал-азалдан Хотирани ҳам, Қадрни
ҳам эзозлаб яшайди. Кеч мудолавасиз айтиш
мукинки, шунинг сўз ўттишимизнинг ҳам,
бугунимизнинг ҳам қанчалар азиз ва муқаррам
эканлигини исботлаб беради.*

**Ўтганларни ҳурмат билан эслаб,
тирикларнинг қадрини жойига қўяйлик!**

**ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ
МАРКАЗИ ЖАМОАСИ**
9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

муносабати билан
 республикамиз аҳолисига энг
 эзгу тилақларини йўллайди.

*Боболардан мерос қолган
қадриятларимиз авлодларимиз
учун ҳам муқаддас тушунчаларга
айлангай.*

**Хонадонингизда
тинчлик, хотиржамлик
ҳукм сурсин!**

9 МАЯ — ДЕНЬ ПАМЯТИ И ПОЧЕСТЕЙ

9 мая мы отмечаем День памяти и почестей и с благодарностью думаем о павших и живых ветеранах-фронтовиках, а также о тех, кто сегодня вносит достойный вклад в дело воспитания молодежи ради мира и счастья на нашей благодатной земле.



Ради мирной жизни

В канун 60-летия Победы во второй мировой войне с большой теплотой вспоминаю о своих наставниках, целиком посвятивших себя делу воспитания не только студентов, но и молодых педагогов и сотрудников Ташкентского электротехнического института связи, а в дальнейшем — Ташкентского университета информационных технологий. Это ветераны войны И.А.Гамалин и С.Я.Свирицкий, уже ушедшие из жизни, это находящийся на заслуженном отдыхе Н.Г.Контарёв, а также и ныне активно работающий В.В.Харин.

Награжденные государственными наградами и неоднократно отмеченные руководством за свой доблестный труд, они всю свою жизнь были и являются примером для подражания, ярким образцом мужества и достойного служения своей Родине и народу.

Ташкентскому университету информационных технологий в нынешнем году исполняется 50 лет. В канун этой знаменательной даты не могу не вспомнить, что когда я пришла работать в ТЭИС, ему было только 25 лет. Огромная роль в формировании моих профессиональных навыков, любви к университету принадлежит мастеру связи, академику Д.А.Абдуллаеву. И сегодня он продолжает трудиться, отдавая свои знания и накопленный опыт, внося огромный вклад в дело обучения студентов, научных и педагогических кадров.

Продолжая нелёгкое и почётное дело по подготовке высококвалифицированных специалистов в сфере информационно-коммуникационных технологий, ректорат и весь профессорско-преподавательский состав университета на примере уважаемых ветеранов делают всё от них зависящее для воспитания нашей достойной смены.

Роза БИКМАМАНОВА,
старший преподаватель ТУИТ

К 60-ЛЕТИЮ ПОБЕДЫ

ВETERАНЫ

Солнца луч золотит ордена,
Чуть изломанной линией строй —
Это эхом шагает война,
Ветераны Второй мировой.

Седина и задумчивый взгляд:
Они могут гордиться собой,
А в строю-генерал и солдат —
Ветераны Второй мировой.

Это летчик, моряк и связист,
И машин экипаж боевой
Пехотинец-солдат и танкист —
Ветераны Второй мировой.

И алеют гвоздики в руках,
Мари Победы летит над страной,
Не скрывают слезу на глазах
Ветераны Второй мировой.

Шестидесят мирно прожитых лет,
В этой жизни такой не простой,
Но достойный пример и завет —
Ветераны Второй мировой.

У могил, обелисков стоим,
Проникая в сознание души:
Долголетия и счастья живым
Ветеранам Второй мировой.

Сергей АНДРЕЕВ,
главный специалист
филиала "Наманган
Телеком"

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ФОРУМ



11-12 мая Узбекское агентство связи и информатизации, Центр научно-технических и маркетинговых исследований, Научно-техническое общество радиотехники, электроники и связи Узбекистана, Ташкентский университет информационных технологий проведут международную юбилейную научно-техническую конференцию «Состояние и перспективы развития связи и информационных технологий Узбекистана», которая будет организована в рамках 50-летия создания Ташкентского университета информационных технологий и 20-летия ввода в эксплуатацию Ташкентской телебашни.

Данное мероприятие входит в перечень международных научных и научно-технических мероприятий, проводимых в 2005 году в Республике Узбекистан.

Целью проведения данного форума является выполнение основных положений приоритетных государственных решений, принятых руководством страны и направленных на дальнейшее развитие компьютеризации и информационно-коммуникационных технологий, научных и научно-технических разработок и исследований, повышение качества подготовки кадров, предусмотренных национальной программой международного сотрудничества в области связи и информатизации, науки, культуры и образования.

В течение двух дней на конференции будут заслушаны более 140 научно-технических докладов, посвященных современным и перспективным направлениям развития связи и информатизации, телекоммуникационных и информационных технологий, почтовой связи, информационной безопасности, менеджмента и маркетинга в сфере связи и информатизации, применению инфокоммуникационных технологий в различных секторах экономики и в социальной сфере. В работе конференции ожидается участие представителей более десяти зарубежных научных, учебных учреждений, компаний, предприятий и организаций.

В дни проведения конференции в центральном холле Ташкентского университета информационных технологий будет организована выставка стендов о деятельности компаний, организаций, учреждений, предприятий в сфере связи и информатизации.

Акция дорлик-тижорат "АЛОҚАБАНК" и


ЖАМОАСИ

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

муносабати билан

барча юртдошларимизга
соғлиқ, хонадонларига тинчлик,
осойишталик тилайди.

Хотира ва Қадрлаш халқимизга мос
миллий ўзлигимиз, урф
одатларимиз билан чамбарчас боғлиқ
муқаддас тушунчалардир,
Улар авлодларимиз хотирасида
абдий қолсин.



ТЕЛЕДАСТУРЛАР - 9 - 15 май кунлари учун TV I, TV II, TV III, TV IV, OPT, PTP, НТВ



ДУШАНБА, 9

Узбекистон телеканалы TV I
ХОТИРА ВА ҚИДРАШ КҮНИ
6.00 Ассалом, Ўзбекистон!

11.40 Хотира ва қидраш кунига бағишланган бадиий-музикавий дастур
12.25 "Давр рагит аттуру". Бадиий фильм.

13.35 "КиноТеп".
13.55 "Узбекистоннинг музикавий дунёси". Телевизион бадиий фильми.

16.40 "Иттиҳод". Телевизион бадиий фильми.
17.00 "Табриклишимиз-кутайлигимиз". Телевизион бадиий фильми.

17.00 Қўрсатувлар тартиби.
17.10 "Табриклишимиз-кутайлигимиз". Телевизион бадиий фильми.

17.00 Қўрсатувлар тартиби.
17.10 "Табриклишимиз-кутайлигимиз". Телевизион бадиий фильми.

17.00 Қўрсатувлар тартиби.
17.10 "Табриклишимиз-кутайлигимиз". Телевизион бадиий фильми.

17.00 Қўрсатувлар тартиби.
17.10 "Табриклишимиз-кутайлигимиз". Телевизион бадиий фильми.

СЕШАНБА, 10

Узбекистон телеканалы TV I
6.00 Ассалом, Ўзбекистон!
8.00-8.35 "Ахборот".

11.00 "Ушшоқ" кундалиги ва режиссала.
11.15 "Оқим" студияси: "Тарқат". Бадиий фильм.

12.35 "Жаён 2-қисм".
12.50 "Даллас". Телевизион бадиий фильми.

17.10 ТТВа сериял: "Ит уяси".
17.30 "Табриклишимиз-кутайлигимиз". Телевизион бадиий фильми.

17.10 ТТВа сериял: "Ит уяси".
17.30 "Табриклишимиз-кутайлигимиз". Телевизион бадиий фильми.

17.10 ТТВа сериял: "Ит уяси".
17.30 "Табриклишимиз-кутайлигимиз". Телевизион бадиий фильми.

17.10 ТТВа сериял: "Ит уяси".
17.30 "Табриклишимиз-кутайлигимиз". Телевизион бадиий фильми.

17.10 ТТВа сериял: "Ит уяси".
17.30 "Табриклишимиз-кутайлигимиз". Телевизион бадиий фильми.

ЧОРШАНБА, 11

Узбекистон телеканалы TV I
6.00 Ассалом, Ўзбекистон!
8.00-8.35 "Ахборот".

11.00 "Ушшоқ" кундалиги ва режиссала.
11.15 "Оқим" студияси: "Тарқат". Бадиий фильм.

12.35 "Жаён 2-қисм".
12.50 "Даллас". Телевизион бадиий фильми.

17.10 ТТВа сериял: "Ит уяси".
17.30 "Табриклишимиз-кутайлигимиз". Телевизион бадиий фильми.

17.10 ТТВа сериял: "Ит уяси".
17.30 "Табриклишимиз-кутайлигимиз". Телевизион бадиий фильми.

17.10 ТТВа сериял: "Ит уяси".
17.30 "Табриклишимиз-кутайлигимиз". Телевизион бадиий фильми.

17.10 ТТВа сериял: "Ит уяси".
17.30 "Табриклишимиз-кутайлигимиз". Телевизион бадиий фильми.

17.10 ТТВа сериял: "Ит уяси".
17.30 "Табриклишимиз-кутайлигимиз". Телевизион бадиий фильми.

ПЯШАНБА, 12

Узбекистон телеканалы TV I
6.00 Ассалом, Ўзбекистон!
8.00-8.35 "Ахборот".

11.00 "Ушшоқ" кундалиги ва режиссала.
11.15 "Оқим" студияси: "Тарқат". Бадиий фильм.

12.35 "Жаён 2-қисм".
12.50 "Даллас". Телевизион бадиий фильми.

17.10 ТТВа сериял: "Ит уяси".
17.30 "Табриклишимиз-кутайлигимиз". Телевизион бадиий фильми.

17.10 ТТВа сериял: "Ит уяси".
17.30 "Табриклишимиз-кутайлигимиз". Телевизион бадиий фильми.

17.10 ТТВа сериял: "Ит уяси".
17.30 "Табриклишимиз-кутайлигимиз". Телевизион бадиий фильми.

17.10 ТТВа сериял: "Ит уяси".
17.30 "Табриклишимиз-кутайлигимиз". Телевизион бадиий фильми.

17.10 ТТВа сериял: "Ит уяси".
17.30 "Табриклишимиз-кутайлигимиз". Телевизион бадиий фильми.

“ЎЗИМПЭКСАЛОҚА” ЁПИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқи
ва алоқа соҳаси
жонкуярларига

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

муносабати билан
тинчлик, осойишталик
тилайди.

Меҳр-мурувват ришталари
ҳаётимизни ҳеч қачон тарк
этмасин.

Доимо ўтганларни ёд этиб,
аждоғлар руҳига ҳурматда
бўлайлик!



“Ўзбектелеком” АК “ТОШКЕНТ ТЕЛЕКОМ” филиали жамоаси

Хотира ва Қадрлаш куни

муносабати билан
Ўзбекистон халқига
тинчлик, осойишталик
тилайди.

Ўтганларни ёд этиб,
аждоғлар руҳига
ҳурматда бўлайлик.



Халқимизга хос бўлган оқибат,
одамийлик, бағрикенглик каби энг
муқаддас тушунчалар ҳеч қачон
йўқолмасин!

Ўтаётган осойишта кунларимиз учун Яратганга ҳар қанча шукроналар айтсак оз. Чунки мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик, барқарорлик ҳаётимизга мазмун бағишламоқда. Тинчлик шунчалик азиз неъматки, унинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди ва айтиш керакки, унга осонликча эришилмаган. Қанчадан-қанча ота-боболаримиз келгуси авлод эркин, бахтли униб-ўсиши учун жанг майдонларида жон олиб, жон берган бўлса, онахонларимиз уларнинг ўрнини билдирмасликка ҳаракат қилиб, фарзандларига бош-қош бўлишган. Кўп йиллар алоқа соҳасида меҳнат қилган Туроб Усмонов уруш қатнашчиси сифатида бугунги кунларнинг қадрига етади, унинг ҳар бир лаҳзасидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилади.

Ёруғ кунлар саодати

Туроб Усмонов Андижон вилоятида тававаллуд топган. 1943 йили, эндигина Ўқитувчилар тайёрлаш билим юртини тугатган кезлари, урушга чақирилди. Ўшанда у ҳали ўн саккизга ҳам тўлмаган бўз йигит эди. Оддий аскар сифатида Белорусдан то Шарқий Пруссияга қадар бўлган ерларни фашистлардан озод қилиш учун кечган жангларда қатнашди. Тўрт мучаси соппа-соғ йигит икки марта оғир яраланди, чап қўлидаги бармоқларидан айрилди. Бироқ асло тушкунликка тушмади. Яқинларининг қалб изҳорлари битилган мактублар унга ишонч, куч ато этиб турди. У яна жангга отланди...



Фронтдалик чоғида алоқа хизматининг нақадар аҳамиятлилигига гувоҳ бўлган Т.Усмонов 1945 йилнинг сентябрида Андижонга қайтган, ўзини шу соҳада синаб кўришга аҳд қилди. Аввалига вилоятнинг Жалолқудуқ туманидаги алоқа бўлимида бир неча йиллар ишлади. 1949 йилда Жалолқудуқ тумани алоқа идорасига раҳбар этиб тайинланди. Тошкентдаги алоқа техникумида тахсил олиб қайтганидан сўнг эса Хўжабод ва Қорасув алоқа корхоналарини бошқарди.

Маълумки, урушдан кейинги йилларда Ўзбекистоннинг чўл ҳудудларини, жумладан, Мирзачўл кенгликларини ўзлаштиришга киришилди. Бу ерга республикамизнинг турли бурчақларидан жуда кўп оилалар кучиб кела бошлади. Табиийки, алоқа хизматида бўлган талаб ҳам ошди. Аmmo алоқа тизими эҳтиёжларни қоплаш даражасида эмас, бунинг устига кадрлар масаласида ҳам муаммолар етарли эди. Шу боис бир гуруҳ малакали мутахассислар Мирзачўлга сафарбар этилди. Улар сафида Туроб Усмонов ҳам бор эди. У бир қанча вақт Янгирдаги алоқа боғламасини бошқарди.

Туроб ака кейинчалик Андижон вилояти алоқа бошқармаси почта бўлимида йўриқчи, линия-техник участкасида бошлиқ бўлиб ишлади.

1973 йилдан Туроб Усмонов Ўзбекистон алоқа вазирлигининг назорат-тафтиш бошқармасида ўз фаолиятини давом эттирди.

— Хизмат юзасидан республикамизнинг турли вилоятларида бўлдим, — дейди Туроб Усмонов. — Алоқа соҳасида юз бераётган ижобий ўзгаришларни кўриб, қувонаман. Бугун қўлланилаётган замонавий

алоқа воситаларини биз бир пайтлар тасаввур ҳам қила олмаганмиз. Носозликлар бўлиб қолса, гоҳ яёв, гоҳ отда кечани кундузга улаб ишлаганмиз. Маълум уруш миллионлаб инсонларнинг ёстиғини қуритди, оилаларни пароканда қилиб юборди. Телевизор орқали жанг манзаралари, аскарларни кўрсатишганда раҳматли онамнинг жовдирганча фронтда ҳалок бўлган акамни кўзда ёш билан қидириб қолишларини ҳали-ҳануз унута олмаймам. Бугунги ёшларга ҳавас қиламан — мустақил юртда, осойишта замонада яшашапти. Бунинг қадрига етиш, Ватанга муносиб фарзанд бўлиш лозим.

Туроб отанинг гапларида жон бор. Урушнинг оқибатларини фақат унда қатнашиб, ўт-олов ичида қон кечганлар, отонасидан эрта етим қолганлар, фарзанд доғида қуйганлар яхши билади. Ёшларнинг вазифаси эса ўтганлар хотирасини ҳурмат билан ёд этиш ва бирор илм ёки ҳунарнинг бошини тутишдир.

Шу кунларда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 60 йиллиги нишонланмоқда. Қўтлуг 80 ёшини қарши олаётган Туроб Усмоновни ҳамда барча уруш фахрийларини ушбу улғ айём билан муборакбод этамиз.

Собит АҲАДОВ,
“Xabar” мухбири

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси, “Андижон Телеком” филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касба уюммаси қўмитаси жамоалари Худудий бошқарма бошлиғи ва филиал директори Мажд Кодиروفга опаси

Раъно ШЕРМАТОВАнинг вафот этгани муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

“Ўзбектелеком” АК жамоаси компаниянинг “Андижон Телеком” филиали директори Мажд Кодиروفга опаси

Раъно ШЕРМАТОВАнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

“Ўзбектелеком Интернетшл” МЧЖ қўшма корхонаси жамоаси “Ўзи-Термиз” филиали директорининг биринчи ўринбосари Мухитдин Дурдиевга волидаси

ФОТИМА аянинг вафот этганилиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

“Жиззах Телеком” филиали ва касба уюммаси қўмитаси жамоалари филиал директорининг молиявий ишлар бўйича муовини Фахриддин Қамбаровга опаси

БИБИСОРА онанинг вафот этганилиги муносабати билан таъзия билдиради.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази жамоаси Марказ бошлиғининг биринчи ўринбосари Асрор Эшонқўжаевга падари бузруквори

АСЛАН отанинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

“Xabar” газетаси жамоаси газетанинг таҳрир хайъати аъзоси Асрор Эшонқўжаевга отаси

АСЛАН отанинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

